

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,  
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**39** **Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2755*

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Иқтисодиёт вазири**

**Г. САИДОВА**

Тошкент ш.,  
2016 йил 11 январь,  
110-сон

**Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси**

**Д. ХИДОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 11 январь,  
01/03-26/29-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон  
Республикасининг Хусусийлаштириш,  
монополиядан чиқариш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат қўмитасининг  
2016 йил 11 январдаги 110,  
01/03-26/29-сонли қарорига  
ИЛОВА

### **Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги ПҚ-2414-сонли «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 октябрдаги 305-сонли «Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг самарали фаолиятини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартибини белгилайди.

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Корпоратив бошқарувчи малака аттестати (бундан буён матнда малака аттестати деб юритилади) Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) томонидан корпоратив бошқарув соҳасида малака мавжудлигини тасдиқлаш учун берилади.

2. Хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улуши бўйича давлатнинг ишончли вакиллари ва кузатув кенгаши аъзолари сифатида тайинланадиган шахслар малака аттестатини олиши шарт, қуйидагилар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улуши бўйича давлатнинг ишончли вакиллари ва кузатув кенгаши аъзолари сифатида номма-ном (лавозими бўйича) тайинланадиган шахслар;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ташқари давлат органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

кузатув кенгаши таркибига киритиш учун малака аттестатига эга ном-

зодлар белгиланган муддатларда тақдим этилмаган хўжалик жамиятларининг акциядорлари (иштирокчилари) ҳисобланган давлат органлари худудий бўлинмаларининг раҳбарлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари — белгиланган талабларга мувофиқ бўлган номзодлар тасдиқлангунга қадар муддатда. Бунда ушбу раҳбарлар мазкур муддат мобайнида ўзининг ўрнига ёки қўшимча равишда ўзининг ходимларини кузатув кенгаши таркибига номзод сифатида тайинлаш ҳуқуқига эга. Мазкур хатбоши билан белгиланган қоидалар Давлат рақобат қўмитасининг худудий бўлинмалари раҳбарларига ҳам унинг таркибий бўлинмаларининг юритишига берилган хўжалик жамиятлари бўйича татбиқ этилади.

3. Малака аттестатини олиш учун фақат Марказнинг корпоратив бошқарувчи махсус дастури бўйича ўқув курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги давлат сертификатига эга бўлган шахслар даъвогарлик қилиш ҳуқуқига эга. Бунда ариза ушбу ўқув курслари якунланган кундан бошлаб бир йил мобайнида берилиши мумкин.

### **2-боб. Малака аттестатини олишга даъвогарлик қилаётган шахслар билан суҳбат ўтказиш**

4. Малака аттестатини бериш суҳбат натижалари асосида амалга оширилади.

5. Малака аттестатини олишга даъвогарлик қилаётган шахс (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) Марказга Ф.И.О., паспорт ва боғланиш маълумотлари, иш жойи кўрсатилган аризани тақдим этади.

6. Аризачи бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда ариза бериши мумкин.

7. Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун аризачи жавобгар ҳисобланади.

8. Марказ ариза олган кундан бир иш куни мобайнида аризачини суҳбатга киритиш ҳақида қарор қабул қилади ёки мазкур Низомнинг 3 ва 18-бандлари талабларига риоя этилмаган тақдирда, асослантирилган рад жавобини юборади.

9. Суҳбат Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси ва Марказнинг масъул ходимларидан иборат таркибдаги комиссия томонидан ўтказилади. Комиссия таркибига қўшимча равишда бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин. Комиссиянинг шахсий таркиби Марказ раҳбари қарори билан тасдиқланади.

Комиссия аъзоларининг сони 9 кишидан кам бўлмаслиги керак. Комиссиянинг раиси Марказ раҳбари, унинг йўқлигида эса ўрнини босувчи шахс ҳисобланади.

10. Комиссия мажлислари аризалар мавжудлигида ҳар жума куни ўтказилади.

11. Марказ комиссия мажлиси ўтказилишидан камида 2 кун олдин ўтказилиш санаси ва жойи ҳақида ўз веб-сайтида маълумотни эълон қилади ва комиссия аъзоларини хабардор қилади.

12. Комиссия йиғилишлари аъзоларининг камида 75 фоизи иштирок этганида ваколатли ҳисобланади.

13. Ҳар бир аризачи билан суҳбат ўтказишнинг давомийлиги 15 дақиқадан ошмаслиги керак.

14. Суҳбат давлат тилида ўтказилади. Суҳбат аризачининг сўровига асосан Марказнинг имкониятларидан келиб чиқиб бошқа тилларда ҳам ўтказилиши мумкин.

15. Комиссия қарорлари йиғилишда иштирок этаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

16. Ўтказилган суҳбат натижалари бўйича комиссия томонидан малака аттестатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида баённома шаклида расмийлаштириладиган қарор қабул қилинади. Баённома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва унинг раиси томонидан тасдиқланади.

17. Суҳбатдан ўтмаганда ёки суҳбатга келмаганда комиссия томонидан кейинчалик аризачини хабардор қилган ҳолда малака аттестатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

18. Суҳбатдан ўтмаган ёки суҳбатга келмаган шахс корпоратив бошқарувчи махсус дастури бўйича ўқув курслари тугаган кундан бир йил мобайнида умумий тартибда 3 мартадан кўп бўлмаган такрорий аризалар бериши мумкин.

19. Суҳбатдан ўтган шахс комиссиянинг малака аттестатини бериш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг 3 ой муддатда Марказга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридида қиймат тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади. Шундан сўнг Марказ томонидан 3 кун муддатда малака аттестати расмийлаштирилади ва берилади.

Аризачи томонидан 3 ой муддатда Марказга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридида қиймат тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси тақдим этилмаганда комиссия қарорининг ушбу аризачига малака аттестатини бериш бўйича қисми ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

20. Малака аттестатининг амал қилиш муддати 5 йилни ташкил этади ва узайтирилишига йўл қўйилмайди.

21. Малака аттестати бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Малака аттестати бланкаси мазкур Низомга иловага мувофиқ шаклда тайёрланади.

### **3-боб. Малака аттестатини қайта расмийлаштириш ва унинг дубликатини бериш**

22. Малака аттестатини қайта расмийлаштириш унда кўрсатилган паспорт маълумотларининг ўзгариши муносабати билан амалга оширилади. Бунинг учун малака аттестатининг эгаси Марказга қуйидагиларни тақдим этади:

малака аттестатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза;  
қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган малака аттестатининг асл нусхаси;

паспорт маълумотларига киритилган ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

малака аттестатини олишда тўланадиган қийматнинг ярми миқдори тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

23. Малака аттестатини қайта расмийлаштириш мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида аввал берилган малака аттестатининг қолган амал қилиш муддати-га малака аттестатининг янги бланкасини бериш орқали амалга оширилади.

Аввал берилган малака аттестатининг бланкаси йўқ қилинади.

24. Малака аттестатининг дубликати йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган малака аттестатининг ўрнига берилади. Бунинг учун малака аттестатининг эгаси Марказга қуйидагиларни тақдим этади:

малака аттестатининг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза;  
яроқсиз ҳолга келган малака аттестатининг асл нусхаси (малака аттестати яроқсиз ҳолга келганда);

малака аттестатини олишда тўланадиган қийматнинг ярми миқдори тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

25. Малака аттестатининг дубликатини бериш мазкур Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида аввал берилган малака аттестатининг қолган амал қилиш муддатига юқори ўнг бурчагида «Дубликат» сўзи кўрсатилган малака аттестатининг янги бланкасини бериш орқали амалга оширилади.

Яроқсиз ҳолга келган аввал берилган малака аттестатининг бланкаси йўқ қилинади.

#### 4-боб. Яқуний қоидалар

26. Марказ малака аттестатига эга бўлган шахслар реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

малака аттестати берилган сана ва рақами;

малака аттестатига эга бўлган шахсларнинг паспорт, боғланиш маълумотлари ва иш жойи;

қайта расмийлаштирилган малака аттестатлари ва уларнинг дубликатлари тўғрисидаги маълумотлар.

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

28. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази билан келишилган.

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*2016 йил 11 январь*

4 (712)-сон

— 43 —

39-модда

*Корпоратив бошқарув илмий-  
таълим маркази директори*

*Б. ГАНИХОДЖАЕВ*

*2016 йил 11 январь*

Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**KORPORATIV  
BOSHQARUV ILMIIY-  
TA'LIM MARKAZI**



**SCIENTIFIC AND  
EDUCATIONAL CENTER  
FOR CORPORATE  
GOVERNANCE**

Tartib raqami \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_son

**KORPORATIV BOSHQARUVCHINING MALAKA  
ATTESTATI**

\_\_\_\_\_  
(malaka attestati berilgan shaxsning familiyasi, ismi, otasining ismi)

pasport ma'lumotlari: \_\_\_\_\_

20\_\_ yil «\_\_» \_\_\_\_\_ dan 20\_\_ yil «\_\_» \_\_\_\_\_ gacha amal qiladi.

\_\_\_\_\_  
(F.I.O.)

\_\_\_\_\_  
(imzo)

M.O'.